# Qishloq hayoti

2014 йил Соғлом бола йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2014-YIL 7-NOYABR, JUMA, 133 (8370)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


# "ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ" ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИГА

Ҳурматли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда юртимиздаги барча темирйўл ходимларини мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана – "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ташкил этилганининг 20 йиллиги билан чин қалбимдан табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистон темир йўллари ўзининг 20 йиллик тарихи давомида мураккаб шаклланиш ва жадал ривожланиш йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда юртимизнинг барча минтақаларини ишончли боғлаш учун бамисоли қон томирлари каби ҳаётий зарур бўлган темир йўл транспорти коммуникацияларининг мустақил, ягона ва яхлит тизими сифатида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Агарки мана шундай темир йўллар бўлмаса, биз қандай ҳаёт кечиришимиз, иқтисодиётимизни қандай ривожлантириш мумкинлигини тасаввур қилишнинг ўзи ҳам қийин бўларди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйича юкларнинг 60 фоиздан зиёди, йўловчиларнинг эса 75 фоиздан ортиғи темир йўл транспорти орқали ташилмоқда.

Ўзбекистон темир йўллари трансминтақавий транспорт коридорларининг энг муҳим бўғини сифатида халқаро темир йўллар ташуви тизимида муносиб ўрин эгалламоқда. Маълумки, қадим замонлардан бошлаб ҳозирги Ўзбекистон замини бўйлаб Буюк ипак йўли ўтган ва бу ҳудудда кўплаб савдо йўналишлари туташган, турли цивилизациялар ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик алоқалари амалга оширилган. Бугунги кунда ҳам Ўзбекистон магистрал темир йўл тармоқлари орқали Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолни бирлаштирадиган салмоқли транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига эга.

Мамлакатимизда темир йўл транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, темир йўл ташувларининг ишончлилик ва хавфсизлик даражасини ошириш бўйича "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси томонидан олиб борилаётган ишларни алоҳида қайд этиш зарур. Кейинги йилларда темирйўлчиларимизнинг куч-ғайрати билан 1 минг 100 километрдан зиёд янги темир йўл тармоқлари барпо этилди, 3 минг 800 километрлик йўл модернизация қилинди ва қайтадан ишга туширилди, қарийб 1000 километрлик темир йўл магистраллари электрлаштирилди. Ана шундай катта ишларимиз натижасида темир йўлларнинг умумий узунлиги 6 минг 500 километрга етди ва улар республикамизнинг барча минтақаларини қамраб олиш имконига эга бўлди.

Амударё узра автомобиль ва темир йўл қатнови учун мўлжалланган замонавий кўприкни ўз ичига олган Навоий-Учқудуқ-Нукус-Султон Увайстоғ ва Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўл магистралларининг ишга туширилиши мамлакатимизни узоқ истиқболни кўзлаган ҳолда, барқарор ривожлантириш йўлида стратегик аҳамиятга эгадир.

Япониянинг Халқаро ҳамкорлик банки иштирокида мураккаб табиий ва иқлим шароитларида барпо этилган, денгиз сатҳидан 1 минг 500 метр баландликда жойлашган тоғ довони орқали ўтадиган 223 километр узунликдаги Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўли моҳият эътибори билан Марказий Осиёда ўхшаши бўлмаган ноёб иншоот ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Мароқанд-Қарши ва Қарши-Термиз темир йўл тармоқларини электрлаштириш борасидаги ишлар ҳам жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Янги темир йўл магистралларининг ишга туширилиши мамлакатимизнинг шимолий ва жанубий минтақаларининг иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш, минерал ресурслар, нефть ва газ, рангли металлар, қурилиш материаллари ва бошқа қимматбаҳо фойдали қазилмаларнинг бой конларини комплекс ўзлаштириш учун, ҳеч шубҳасиз, катта имкониятлар очади. Бу эса ўз навбатида янги иш ўринларини шакллантириш, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларимизнинг даромадлари ва моддий фаровонлигини ошириш учун шароит яратишга қандай муҳим ҳисса қўшишини, ўйлайманки, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Биз транспорт коммуникация соҳасидаги яна бир йирик иншоот, яъни, 19 километрлик темир йўл тоннелини ўз ичига оладиган Ангрен-Поп йўналишидаги янги электрлаштирилган темир йўл тармоғини хитойлик ҳамкорларимиз билан биргаликда барпо этишга катта истиқболга эга бўлган муҳим лойиҳа сифатида қарамоқдамиз.

Ушбу темир йўл тармоғининг 2016 йил июль ойида ишга туширилиши Фарғона водийси вилоятларини Ўзбекистоннинг марказий қисми билан ишончли тарзда боғлашга имкон яратади, республикамизнинг бутун ҳудуди бўйлаб ягона темир йўл транспорт тизимини шакллантириш борасидаги ишларни якунига етказади, Хитой – Марказий Осиё – Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади.

Транспорт хизматларининг даражаси ва сифатини оширишда темир йўл паркининг ҳаракатланадиган таркибини энг замонавий, юксак самарали локомотивлар ва ҳар томонлама қулай вагонлар билан янгилаш бўйича ишлар ўта муҳим аҳамият касб этади. Фақатгина сўнгги ўн йилда 38 та замонавий электровоз ва 10 та йўловчи ташиш тепловози сотиб олинди, 150 та локомотив модернизация қилинди.

Испаниянинг "Талго" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, замонавий, юқори тезликда ҳаракатланадиган "Афросиёб" электропоезди Ўзбекистоннинг ғурур-ифтихори ҳисобланади. Шуни айтиш жоизки, бундай поездлар дунёнинг атиги саккизта мамлакатида мавжуд. Бугунги кунда ушбу поезд ҳар куни Тошкент-Самарқанд-Тошкент йўналиши бўйича 344 километрлик масофани бор-йўғи икки соатда босиб ўтмоқда. Бу эса одамларимизнинг ана шу транспорт турига бўлган муносабати ва қарашларини тубдан ўзгартирмоқда.

Юртимизда 11 та янги темир йўл вокзали барпо этилиши ва 7 та вокзалнинг реконструкция қилиниши натижасида улар бутунлай янгича қиёфа касб этди. Мазкур вокзаллар йўловчиларга энг юқори халқаро стандарт ва талаблар даражасида хизмат кўрсатиш имконини берадиган замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланганини қайд этиш лозим.

Ўтган йиллар мобайнида темир йўл транспорти коммуникацияларини ривожлантириш ва тегишли инфратузилмаларни ободонлаштиришга 6 миллиард доллардан ортиқ капитал қўйилмалар, жумладан, 1,8 миллиард долларлик хорижий инвестициялар йўналтирилди.

Компаниянинг йўл хўжалиги, "Ўзтемирйўлйўловчи" очиқ акциядорлик жамияти йўловчилар ташиш бўлинмаси ва "Ўзтемирйўлконтейнер" юк ташиш тузилмаси, шунингдек, қурилиш ташкилотлари ва бошқа таркибий қисмлари мамлакатимиз темир йўл тизимини ривожлантириш ва унинг самарали фаолият кўрсатишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Компания ташкил этилган кундан буён юк ташишлар 1,5 баробар, йўловчи ташиш эса 1,3 баробар кўпайгани, темир йўллар орқали 1 миллиард 400 миллион тонна юк ташилгани ва 350 миллион йўловчи ўз манзилига етказилгани унинг салоҳияти ва имкониятлари тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда темир йўл тармоғининг жадал ривожланаётган, юксак технологияларга асосланган Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи, Қуюв-механика заводи, "Ўзтемирйўлмаштаъмир" унитар корхонаси каби саноат корхоналари ҳақли равишда компаниянинг байроқдорлари ва ифтихори ҳисобланади. Улар Европа мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея давлатлари ва бошқа етакчи хорижий компанияларнинг замонавий асбоб-ускуналари ва янги авлод технологик тармоқлари билан жиҳозлангани айниқса эътиборлидир.

Мазкур корхоналарда локомотив ва йўловчи вагонларини таъмирлаш, модернизация қилиш ва қайта жиҳозлашдан ташқари, қисқа вақт ичида ўзимизнинг вагонсозлик саноатимизга муваффақиятли асос солинди ва бу ерда 2,5 мингта юк ва 150 та янги йўловчи вагонлари ишлаб чиқарилди, 735 та йўловчи вагонлари модернизация қилинди.

Ўз таркибида юқори малакали 70 минг нафар инженер-техник ходимлар ва мутахассисларни, йўлсозлар, машинистлар, саноат ва қурилиш корхоналари, ижтимоий инфратузилма объектларининг ишчи ва хизматчиларини бирлаштирган аҳил меҳнат жамоаси компаниянинг бебаҳо бойлиги, олтин фонди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз, билим ва тажрибангиз халқимиз орасида юксак обрў-эътиборга эга бўлиб, ҳар томонлама ҳурмат ва эҳтиромга муносибдир.

Барчамизга аёнки, компаниянинг, бутун темирйўл тармоғининг келажаги аввало соҳага замонавий билимга эга, илғор технологияларни пухта ўзлаштирган, ўз касбига содиқ, Ватанимизга фарзандлик меҳри билан яшайдиган ёш мутахассис ва ишчиларни кенг жалб этиш билан бевосита боғлиқдир. Юртимиздаги олтита касб-ҳунар коллежи ва Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтини ҳар йили уч мингдан зиёд ёш мутахассислар аниқ касб йўналиши бўйича битириб чиқиб, ҳаётга йўлланма олаётгани мамлакатимиз темирйўл транспортининг келгуси тараққиёти учун ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда темирйўлчилик касби мамлакатимизда ёшлар ўртасида қизиқиш ва талаб энг катта бўлган, шарафли касбга айланганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Азиз дўстлар!

Сизларни бугунги қутлуғ айём билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, фидокорона меҳнатингиз, Ватанимиз равнақи ва фаровонлигига қўшаётган муносиб ҳиссангиз учун самимий миннатдорлик билдириб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этаман. Сизларга ва оилаларингизга тинчлик, сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, эзгу ишларингизда янги-янги муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



# ДЕПУТАТЛАР ҚОНУНЛАРГА ТУЗАТИШЛАР КИРИТМОҚДАЛАР

*6 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар амалдаги қонун ҳужжатларига жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Мажлис "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги қонун қабул қилинганлиги муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама этишдан бошланди. Ушбу қонун лойиҳаси қонун ҳужжатларининг атамалари ва ҳуқуқий нормаларини бир хилда қўллаш ҳамда тегишли органлар томонидан улар турлича талқин қилинишининг, мувофиқликни баҳолаш бўйича ишлар такрорланишининг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилди. Тузатишлар "Метрология тўғрисида"ги, "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги қонунларга киритилмоқда.

Шундан сўнг депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар. Ушбу қонун лойиҳасида, жумладан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиб-таомилларининг мураккаблашувини ҳамда тадбиркорлик субъектларининг зиммасига янги мажбуриятлар ва жавобгарликлар юкланишини назарда тутувчи қонун ҳужжатлари, улар расман эълон қилинганидан камида уч ой ўтгач кучга кириш муддати белгилаб қўйилмоқда. Давлат органлари тадбиркорлик фаолияти субъектларига ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи қонун ҳужжатлари, ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаши шарт. Ахборотнинг очиқлиги қонун ҳужжатларини ва тегишли материалларни оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш ва тарқатиш орқали таъминланади.

(Давоми 2-саҳифада)

**Ўзбекистон – буюк алломалар юрти**



Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

# БУЮК АЖДОДИМИЗНИНГ БЕБАҲО МЕРОСИ

*Аввал хабар берганимиздек, жорий йилнинг 5-6 ноябрь кунлари Бухоро шаҳрида "Ибн Синонинг илмий-маънавий мероси – башарият учун бебаҳо хазина" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.*

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ибн Сино жамоат фонди, Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимиздаги тиббиёт олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасалари масъул ходимлари иштирок этди.

Конференцияда Абу Али ибн Синонинг бой илмий мероси ва унинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида батафсил сўз юритилди.

Таъкидланганидек, Бухорода туғилиб ўсган тиббиёт илмининг султони Ибн Синонинг жаҳон илм-фани, хусусан, тиббиёт тараққиётига қўшган ҳиссаси бебаҳодир. Илмий-тадқиқот ишларини 16 ёшида бошлаган бу улуғ зот умри давомида тиббиёт ва фалсафа, мантиқ, кимё, физика, астрономия, математика, мусиқа, адабиёт ва тилшунослик соҳаларига бағишланган 450 дан ортиқ асар яратган. Абу Али ибн Сино ўзининг "Тиб қонунлари" асарида кейинги бир неча юз йиллар учун тиббиёт тараққиётининг асосий йўналишларини белгилаб берган. Ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган ушбу асар орқали буюк олим амалий тиббиёт ва фармакология соҳаларининг энг муҳим усулларига асос солган. Бу асар қарийб 500 йил давомида дунёнинг етакчи университетларида ўқиб-ўрганиб келинган.

(Давоми 2-саҳифада)

# САМАРАДОРЛИК, ИШОНЧЛИЛИК, ХАВФСИЗЛИК




**"Туркистон" саройида 6 ноябрь куни "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси жамоасига табригини компания раиси О.Раматов ўқиб эшиттирди.**

Тадбирда мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида Ўзбекистон транспорт тизимини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Соҳада кенг кўламли ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилиб, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, йўловчилар сони ва юк ташиш ҳажми тобора ошиб бормоқда. Бу борада темир йўллар муҳим ўрин тутмоқда. Зеро, мамлакатимизда ташилаётган юкларнинг катта қисми айнан ушбу тармоқ улушига тўғри келади. Катта ҳажмда юк ташиш имконияти, об-ҳаво шароитидан қатъи назар, барқарор ва узлуксиз фаолият юритиши мазкур транспорт турининг асосий устунликларидандир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1994 йил 7 ноябрда қабул қилинган фармонига мувофиқ ташкил этилган "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси темир йўл тармоғини жадал ривожлантиришга улкан ҳисса қўшмоқда. Бугун ушбу компания мамлакатимизда темир йўл транспортининг барча соҳаларида юқори малакали кадрлар, улкан илмий ва моддий-техник база, лойиҳа ва қурилиш қувватлари ҳамда катта халқаро ҳамкорлик тажрибасига эга энг йирик компания ҳисобланади. Нафақат янги магистрал ва вокзаллар бунёд этиш, мавжуд темир йўл тармоқларини модернизация қилиш, балки электровозлар паркини янгилаш, янги йўналишлар ташкил этиш ва бошқа вазифалар компания фаолиятининг устувор йўналишларидандир.

Навоий-Учқудуқ-Нукус-Султон Увайстоғ янги темир йўл линиясининг қурилиши "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси томонидан амалга оширилган энг йирик лойиҳалардан биридир.

(Давоми 2-саҳифада)



# САМАРАДОРЛИК, ИШОНЧЛИЛИК, ХАВФСИЗЛИК

**(Боши 1-саҳифада)**

Ушбу янги линиянинг ишга туширилиши нафақат табиий бой минерал захиралардан фойдаланиш, қўшни мамлакатлар ҳудудини айланиб ўтадиган транспорт харажатларини камайтириш, балки фуқароларимиз фаровонлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Амударёда маҳобатли кўприкнинг бунёд этилиши эса мамлакатимиз темир йўл тизимини ривожлантиришда, айниқса, муҳим лойиҳа бўлди. Ушбу улкан муҳандислик иншооти Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларини, хусусан, пойтахтимиз билан боғлаб, ўртадаги масофани сезиларли даражада қисқартириш имконини берди. Узунлиги қарийб 700 метр бўлган ушбу кўприк Урганч-Тошкент йўналиши бўйича қатнайдиган поездлар ҳаракати вақтини 5,5 соат, масофани 300 километрга қисқартирди.

Компания йўловчиларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида Тошкентдан Самарқанд, Бухоро ва Қарши шаҳарларига "Шарқ" ҳамда "Насаф" тезюрар поездлари қатновини йўлга қўйди. Бундан ташқари, 11 янги вокзал бунёд этилиб, 7 темир йўл вокзали реконструкция қилинди. Замонавий техникалар билан таъминланган бу вокзаллар йўловчиларга халқаро талаблар даражасида хизмат кўрсатиш имконини бермоқда. Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида қатнаётган юқори тезликда ҳаракатланувчи "Афросиёб" поезди мамлакатимизда транспорт хизмати кўрсатиш сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси мамлакатимиз локомотив хўжалигини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Истиқлол йилларида соҳада улкан ўзгаришлар рўй берди. Катта ҳажмдаги юкларни кам маблағ сарфлаган ҳолда ташиш имконини берадиган янги юк электровозлари харид қилинди. Жумладан, сўнгги 10 йилда компания томонидан 15 йўловчи, 12 юк ва йўловчи, 11 юк ташувчи электровозлар ва 10 йўловчи ташиш тепловозлари сотиб олинди.

Шу билан бирга, вагонлар парки ҳам сезиларли даражада янгиланди. Бу эса мамлакатимиз темир йўл соҳасида улкан тараққиётга эришаётганидан ёрқин далолат беради. Тошкент йўловчи вагонлар қуриш ва таъмирлаш заводи бу борада амалга оширилаётган ишларга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бу ерда халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган қулай ва шинам йўловчи вагонлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни пайтга қадар завод томонидан 120 янги йўловчи вагонлари ишлаб чиқарилди, 735 вагон модернизация қилинди.

Яқинда реконструкция қилинган Қуюв-механика заводи вагонлар паркини тўлдиришни таъминламоқда. Йилига 26,5 минг тонна қуйма маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу заводда айни пайтда 167 турдаги саноат маҳсулотлари тайёрлаш маҳаллийлаштирилди.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси маълумотларига кўра, бугунги кунда Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўл қурилишини якунлаш орқали Ўзбекистон Республикасининг яхлит, мустақил темир йўл тузилмасини шакллантириш компания фаолиятининг энг муҳим вазифаларидандир. Ушбу лойиҳа доирасида узунлиги 19 километрлик темир йўл тоннелини қуриш кўзда тутилган.

Айни пайтда ушбу лойиҳани амалга ошириш доирасида 35,5 миллион куб метрлик тупроқ ишлари амалга оширилиб, 204 иншоот, 11 кўприк, 3 йўл ўтказгич барпо этилиб 82 километрлик темир йўл линияси қуриб битказилди. Тоннел асосий қисмининг 5,5 минг метр узунликдаги участкасида қазиш ишлари, 1,4 минг метрдан ортиқ масофадаги участкада эса пардозлаш ишлари амалга оширилди.

Бу ишларга энг замонавий темир йўл техникаларининг жалб этилгани темир йўл соҳасини жадал ривожлантириш, кенг кўламли лойиҳаларни амалга ошириш имконини бераётир. Шундай мураккаб ишда ўз касбига меҳр қўйиб, фидокорона меҳнат қилаётган инсонлар муҳим ўрин тутмоқда. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг 20 йиллиги ва ўз ҳаётини темир йўл соҳасини ривожлантиришга бахш этган 70 мингдан зиёд ишчи-хизматчиларнинг байрамидир.

Уларнинг фидокорона меҳнати давлатимиз томонидан муносиб баҳоланмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 5 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 20 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, темир йўл транспорти тизимини замон талаблари асосида ривожлантириш, соҳадаги ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун соҳанинг бир гуруҳ ходимлари давлатимизнинг юксак мукофотларига лойиқ кўрилди. Тадбирда уларга Ватанимизнинг ушбу юксак мукофотлари топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтининг ўқув ишлари бўйича проректори Ф.Каримова ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг алоқа ва сигналлаштириш маркази бош муҳандиси Ҳикматилло Солиев Президентимиз Ислом Каримовга соҳа ходимларига қаратаётган алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдирди.

– Мен учун бугун энг қувончли ва бахтли кундир, – дейди Ҳ.Солиев. – Давлатимиз раҳбарининг фармонига биноан Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими унвони билан тақдирландим. Камтарона меҳнатим мана шундай юксак мукофотга муносиб кўрилгани мен учун катта шарафдир. Давлатимиз раҳбари томонидан темир йўл транспорти ходимларига қаратилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик бизни Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида бор куч-ғайратимизни сафарбар этишга ундайди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон халқ шоири И.Мирзо темирйўлчиларни ушбу сана билан табрикладилар.

Тантанали тадбир санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокидаги байрам концерти билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ДЕПУТАТЛАР ҚОНУНЛАРГА ТУЗАТИШЛАР КИРИТМОҚДАЛАР

**(Боши 1-саҳифада)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароит яратишга берилаётган улкан эътиборнинг яна бир ишончли далилидир. Қонун лойиҳасида лицензиялаш ва рухсат этиш хусусиятидаги ҳужжатларни бериш механизмларини такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароит яратиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, мажлис кун тартибига қонун лойиҳалари биринчи ўқишда ҳам киритилди. Хусусан, қонунчилик ташаббуси тартибида Олий суд томонидан киритилган "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"-ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Мажлисда таъкидланганидек, ушбу қонуннинг қабул қилиниши фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчиларининг ҳуқуқлари самарали ҳимоя қилинишига ва процессуал ҳаракатларнинг аниқ доиралари белгиланишига, томонларнинг тенглик ва тортишиш принциплари бундан буён ҳам рўёбга чиқарилишига, суд ишларининг тўлиқ, ҳар томонлама ва пухта кўриб чиқилишига ҳамда қабул қилинадиган қарорларнинг сифати оширилишига кўмаклашади.

Шундан сўнг депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 декабрда қабул қилинган "Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қонун лойиҳаси нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ва тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш ва соддалаштиришга қаратилган. Тузатишлар "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Солиқ кодексларига киритилмоқда.

Депутатлар солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасига катта эътибор қаратдилар. Тузатишлар "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар** таъкидладиларки, ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини юритиш шароитларини яхшилаш имконини беради. Жумладан, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасига киритилаётган тузатиш микрофирма ва кичик корхоналар ходимларининг энг юқори сонини, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг битирувчилари ишга қабул қилинган тақдирда, 20 фоиздан 50 фоизгача оширишни назарда тутади. Парламент аъзоларининг фикрича, ушбу ўзгартиш микрофирма ва кичик корхоналарни ёш мутахассисларни ишга қабул қилишга рағбатлантириш имконини беради.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида тадбиркорлик субъектлари молия ҳисоботини электрон ҳужжат шаклида тақдим этиши, улар солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни олти ой мобайнида тўлашига доир ягона тартиб ўрнатилиши назарда тутилмоқда. Умуман олганда, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоларининг фикрича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши 2015 йилга мўлжалланган Солиқ сиёсати концепциясини рўёбга чиқариш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароит яратади.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари** ушбу қонун лойиҳасининг нормалари янги иш ўринлари ташкил этилишига ва аҳоли бандлиги янада оширилишига кўмаклашишини алоҳида қайд этдилар. Солиқ солиш юзасидан хўжалик юритувчи субъектларга берилаётган имтиёзлар, айниқса, касаначилик ва оилавий тадбиркорлик соҳасида иш билан таъминлашнинг турли шаклларини самаралироқ жорий этиш имконини беради. Бу партиянинг иш билан банд бўлмаган аҳолини, биринчи навбатда, ёшларни, аёлларни ишга жойлаштириш, касбга қайта тайёрлаш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш орқали меҳнат бозорида фаол ва аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга доир дастурий мақсадлари ва вазифаларига тўлиқ мос келади.

Бундан ташқари, депутатларнинг фикрича, Солиқ кодексининг айрим моддаларига киритилаётган ўзгартишлар пенсияларнинг (шу жумладан, стажи тўлиқ бўлмагандаги пенсияларнинг) энг кам базавий миқдорларини бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш учун ёшга доир пенсиянинг энг кичик миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгилашни кўзда тутмоқда.

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вакилларининг** фикрича, ушбу қонун лойиҳасида назарда тутилган нормалар ва қоидалар партиянинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги мақсадлари ҳамда вазифаларига ҳамоҳанг бўлиб, мамлакатимизда ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга кўмаклашади. Шу билан бирга фракция аъзолари таъкидладиларки, Солиқ кодексига киритилаётган тузатишлар қатъий ставка бўйича солиқ солинадиган даромадларнинг алоҳида турлари бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушланган суммалари ва тўланган даромадлар тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш заруратини бекор қилиш орқали солиқ маъмуриятчилигини соддалаштиришни назарда тутмоқда. Ушбу ўзгартишларнинг киритилиши ҳисоботни топширишда солиқ маъмуриятчилиги учун сарфланадиган харажатларни камайтириш, умумий йиллик даромад тўғрисидаги декларацияда кўрсатиладиган маълумотлар такрорланишининг олдини олиш имконини беради.

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан сўзга чиққанлар** киритилаётган ҳуқуқий нормалар катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Хусусан, "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунда мансаб даражаларига (ҳарбий унвонларга) эга судьялар ва прокуратура органлари ходимларининг пенсиялари миқдорини ИИВ ходимларининг пенсияларини ҳисоблаш сингари аниқлаш тартибини жорий этиш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мансаб даражаларига эга Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари судьяларини, шунингдек, прокуратура органлари ходимларини хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан тўланадиган даромаддан олинадиган ягона тўловдан озод этишни назарда тутувчи ўзгартиш киритиш назарда тутилмоқда. «Адолат» партияси фракцияси аъзоларининг фикрича, киритилаётган тузатишлар кейинги вақтда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мантиқий давоми ҳисобланади.

**Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари** Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг айрим моддаларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида белгиланган айрим турдаги товарларни ишлаб чиқарувчилар учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ жорий этишни, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиғи бўйича жорий тўловларни ҳисоблаб чиқиш тартибини ҳар чоракда эмас, балки бир йилда бир марта белгилашни назарда тутаётганлигига эътибор қаратдилар. Шу билан бир қаторда ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бюджет маблағларини ўзлаштиришда ҳуқуқий қоидабузарликларнинг олдини олиш учун қулайроқ шарт-шароит яратиш имконини беради.

Депутатлар моддама-модда ҳар томонлама муҳокама этиш чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда ушбу қонунни якуний таҳрирда қабул қилдилар. Ҳужжат Олий Мажлис Сенатига юборилади.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатасининг**
**Ахборот хизмати**

# БУЮК АЖДОДИМИЗНИНГ БЕБАҲО МЕРОСИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Президентимиз жорий йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқида айтиб ўтганидек, аждодларимизнинг бой илмий ва маънавий мероси бугун ҳам тараққиётнинг жадал ривожига хизмат қилиб келаётир. Хусусан, Абу Али ибн Сино каби мутафаккирнинг илм-фан соҳасида эришган ютуқлари бугун ҳам бутун дунёни ҳайратга солмоқда.

– Ўзбек халқи жаҳон тамаддунига, айниқса, дунё табобатига беқиёс ҳисса қўшган бобокалони, буюк олим ва табиб даражасига етган Ибн Сино билан ҳақли равишда фахрланса арзийди, – дейди ЮНЕСКО фахрийси Майк Барри Лейн. – Орадан минг йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, Ибн Сино илмий меросини дунёнинг барча мамлакатларидаги тиббиёт мутахассислари зўр қизиқиш билан ўрганишда давом этмоқда. Бу олимнинг табобат соҳасидаги изланишлари ва эришган натижалари нақадар юксак эканидан далолат бериб турибди.

– Қадим Бухоро кўплаб аллома, олиму фузалоларга бешик бўлган, – дейди Ибн Сино жамоат фонди бошқаруви раиси, профессор Шерзод Зокирхўжаев. – Улардан бири, шубҳасиз, Абу Али ибн Синодир. Унинг биргина табобат соҳасига қўшган улкан ҳиссаси минг йиллардан буён дунё илм аҳли томонидан талқин қилиб келинади. Ибн Синодек буюк аждодимизнинг номини улуғлаш бугунги кунда ҳам, келажакда ҳам ҳар бир ватандошимиз учун фарз ҳисобланади. Шу маънода, Бухорода ташкил этилган ушбу анжуман ва шаҳар марказида улуғ олим номига янги бир хиёбон барпо этилиши ҳам буюк аждодимизга бўлган ҳурматнинг ёрқин кўринишидир.

Анжуман давомида иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Л.Тўйчиев, Ибн Сино жамоат фонди бошқаруви раиси, профессор Ш.Зокирхўжаев, Тошкент тиббиёт академияси профессори С.Асланова ва бошқаларнинг улуғ аждодимиз меросига ҳамда бугунги кунда мамлакатимиз тиббиёт соҳасига қаратилаётган эътиборга бағишланган маърузаларини тинглашди.

Конференция давомида кўп бора таъкидланганидек, алломанинг улкан илмий ва маънавий мероси туганмас хазинага ўхшайди. Бу хазинадан эса авлодларимиз ҳали кўп баҳраманд бўлади.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

>>> 9 ноябрь – Тиббиёт ходимлари куни

***Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом авлодни вояга етказишга хизмат қилмоқда. Соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилган изчил ишлар самарасида аҳолига юқори малакали бепул шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим яратилди. Туман ва шаҳарларда юксак талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган тез тиббий ёрдам хизматлари ташкил этилди.***

# ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

## МАМЛАКАТИМИЗДА ТИББИЁТ СОҲАСИГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР ШУНДАЙ ДЕЙИШИМИЗГА ТЎЛА АСОС БЎЛАДИ




Ўтган даврда жойларда умумий амалиёт шифокори ва оилавий тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш тамойиллари асосида қишлоқ аҳолисига сифатли дастлабки тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш учун қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди.

Қисқа вақт ичида ушбу ҚВПлар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланди. Жорий йилда бирламчи тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, самарасиз фаолият юритаётган ҚВПларни мақбуллаштириш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 177 та ҚВПни капитал ва жорий таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, 2014 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, улардан 132 тасида таъмирлаш ишлари якунланди. ҚВПларда аҳолини мунтазам чуқурлаштирилган ва профилактик кўриклардан ўтказиш ишлари режа асосида бажарилаётир.

Жорий йилнинг ўтган даврида "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида туман тиббиёт бирлашмалари, оилавий поликлиникалар учун 7,16 миллион АҚШ долларилик жарроҳлик ва гинекологик асбоб-ускуналар ҳамда бошқа жиҳозлар харид қилинган. УТТ аппарати, портатив ЭКГ, гастрофиброскоп, музлаткич ва шприцли насос каби тиббий асбоб-ускуналар туман тиббиёт бирлашмаларига етказилмоқда.

Маълумотларга кўра, республикамизда полиомиелит, қоқшол, дифтерия, қизамиқ каби касалликлар бутунлай бартараф этилган. Қолаверса, "Соғлом она – соғлом бола" ғоясини ўзида мужассам этган миллий дастур муваффақиятли ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу борада она-бола скрининги, перинатал хизматлар тармоғи тобора такомиллаштирилмоқда. Икки ёшгача бўлган болалар юқумли касалликларга қарши бепул эмланмоқда. Миллий эмлаш тақвими янги вакциналар билан бойитилмоқда. Жорий йилда ўткир юқумли ичак касалликларининг олдини олиш мақсадида ротавикс вакцинаси амалиётга киритилди.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш жараёнида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, шифокорларнинг малака ва маҳоратини юксалтириш, жаҳон тиббиётининг илғор ютуқларини амалиётга кенг жорий этиш бўйича қатор ютуқларга эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, дастур ижроси юзасида жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида кўплаб ижобий кўрсаткичлар қайд этилди. Хусусан, март ва август ойларида республикамиз бўйлаб "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида 300 нафардан зиёд етакчи мутахассис, профессор-ўқитувчилар иштирокида ҳафталик акциялари ўтказилди. Уларда 200 мингдан зиёд аҳоли қамраб олинди.

Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида мутахассисларнинг малакасини ошириш мақсадида 750 нафар умумий амалиёт шифокорлари учун ўқув курслари ташкил этилди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари асосида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш йўналишида замонавий технологияларни жорий этиш мавзусида 5264 нафар акушер-гинеколог, неонатолог ва педиатр ўқитилди.

Бирламчи бўғин тиббий ходимларига амалий ёрдам бериш мақсадида 8 марта мониторинг ҳафталиги ўтказилиб, Тошкент тиббиёт академияси ва клиникалари, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва клиникаси, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Республика перинатал маркази, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт ва аҳоли репродуктив саломатлиги марказларининг 345 нафар юқори малакали мутахассислари барча ҳудудларга сафарбар қилинди.

Баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган чора-тадбирлар доирасида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим муассасаларининг ўқувчиларини чуқурлаштирилган тиббий-профилактик кўрикдан ўтказиш ишлари амалга оширилди.

Соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2014 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурида 137 та тиббиёт объектини барпо этиш ва реконструкция қилиш учун 382,4 миллиард сўм ажратилган эди. Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, объектларда 306,8 миллиард сўмлик қурилиш-реконструкция ишлари бажарилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори тиббиёт муассасалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, замонавий талаблар ва андозаларга мувофиқ, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш, соҳада меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини жорий этишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Тиббиёт соҳасини такомиллаштиришга қаратилаётган эътиборни, яна бир жиҳатда, соҳа ходимларига яратиб берилаётган шароит ва уларга кўрсатилаётган ғамхўрликда ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси шифокорларнинг касб байрами сифатида кенг нишонланади.

Мамлакатимиз тиббиётида амалга оширилаётган ислоҳотлар, эришилаётган ютуқлардан барчамизнинг дилимиз равшанлашади, қалбимиз ғурурга тўлади. Соҳани янада тараққий эттириш асосий вазифалардан этиб белгилангани эса юртимизда инсон қадри улуғланишининг ёрқин далилидир.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Жиззах вилояти

ТУЯЧИЛИК

# МИРЗАЧЎЛ «КЕМА»ЛАРИ



Бекпўлат ТОҒАЕВ олган сурат.

***Ҳар сафар Мирзачўл туманида бўлганимда йўл бўйлаб ўтлаб юрган туялар галасига кўзим тушади. Бу жониворлар вилоятимизда камроқ учраганлиги сабаб уларга машина ойнасидан ҳайрат билан тикилиб ўтардим. Уларни яқиндан кўриш, ҳаёти билан танишиш истаги кучлилик қилиб, ниҳоят, тўхташга қарор қилдим.***

Баландлиги 2,5-3 метрдан ошадиган, янтоққа чўзилганда янада узунлашиб кетадиган бу жонзот қайсидир китобда суратини кўрганим — бронтазаврга жуда ўхшаб кетади. Йирик тишлари билан янтоқни узиб олганча чайнаётган туялар беозордек тасаввур уйғотади. Қирқдан ошиқ малла-сарғиш жониворлар орасидаги оқ бўталоқ беихтиёр эътиборингизни тортади. Атрофда янтоқ, қамиш каби гиёҳлар кўп бўлишига қарамасдан жонзотлар катта-катта қадам ташлаганча биздан узоқлаша бошлади. Галаси ортидан юравериб, қуёш тиғидан қорайиб кетган туячи уларни қайтаришга шошилади.

Ундан туялари ҳақида сўрай бошлаганимизда, унчалик ажабланмади. Назаримда, яйлови йўл ёқасида бўлгани учун унга жониворлари ҳақида сўраб, тез-тез мурожаат қилишади. Суҳбатдошимизнинг камгаплигидан туялар ҳақида билганларини ичидан суғириб олдик, десак адашмаймиз. Гап орасида Жасур Холбоевнинг 2001 йилдан буён туя боқишини билиб олдик. Ўшанда у 5 та туя сотиб олган экан. Ҳозир жониворлар сони 26 тага етибди. Бундан ташқари, яна бир ҳамқишлоғининг 17 та туяси қаровини зиммасига олган.

— Туяларнинг икки ўркачлиси одам ташишга, бир ўркачлиси юк ташишга қулай, — дейди Жасур. — Бир ўркачли туя 500 килограмм юкни 5 километр масофага бемалол олиб бора олади. Туялар тез чопади. Уларни қишин-ёзин яйловда боқамиз. Совуқ кунлари 1 ё 2 марта суғорилади. Туяхонага янтоқ ғарамлаб қўямиз, кечаси атрофини айланиб чимдиши учун. Янтоқ туянинг энг севимли емиши. Яйловда емак камайгач, яъни январдан то баҳоргача туяларни қайнатилган арпа билан боқамиз. Улар қиш охирларида кўпаяди. Бўталоғини етти-саккиз ойдан бир йилгача эмизади. Беозор бу жониворларнинг жиғига тегаверсангиз, тупук билан сийлайди ёки тишлаб олади. Улар намликни ёқтирмайди. Зах жойда туриб қолишга мажбур бўлса, дарров тўдаланади. Туя бўталоғини 6 ойликдан бошлаб минишга ўргатиш лозим. Бир ёшга киргунча ўз ҳолига қўйсангиз, кейин қўлга ўрганиши қийин бўлади.

Жасур туяларидан йил давомида сут соғиб олиб, сотади. Бир туяси кунига 3 литргача сут беради. Сутнинг шифобахшлиги туфайли харидор билан боғлиқ муаммолар йўқ. Сутидан олинадиган қимрондан ўпка сили ва ошқозон-ичак касалликларини даволашда фойдаланилади. Улоқ чопиладиган мавсумда солим ўрнида тикиш учун ундан 10-15 миллион сўмга жониворларини сотиб олишади. Қалин ва узун жунлари жазирамада қуёш тиғидан, қаҳратонда эса совуқдан асрайди. 75 фоизини тивит ташкил қиладиган туя жуни баҳорда қирқилади. Жуни гиламчилик ва тўқимачиликда қўлланилади. Танани совуқдан асраш ва даволаш хусусияти туфайли бу жун қадрланади.

Товонини қоплаб олган қалин тери ҳайвоннинг оёқларини қайноқ қумдан ҳимоялайди. Туя жуфт туёқлилар орасида энг йириги бўлиб, оғирлиги 800 килограммга етади. Танаси ҳароратини кундузи 40, кечаси 34 даражагача ўзгартира олади. Ўркачида тўпланган ёғ сув ва озуқа захираси ўрнини босади. Шу боис, туя сувсизлик ва очликка чидамлидир. У бир неча кун давомида озиқ ва сувсиз 80-90 километр йўлни босиб ўта олади. Яхши семирган туя 120 килограммгача ёғ тўплайди.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда туячилик милоддан 2000 йил илгари ривожланган. Халқ орасида "чўл кемаси" деб номланувчи бу ҳайвонлар XX асрнинг 20 йилларигача кўплаб давлатларда асосий транспорт воситаси вазифасини бажарган. Туялар чўлу биёбонларда юкларни минглаб километрлик манзилларга ташиган. Айни вақтда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Навоий, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида туя боқиладиган хўжаликлар мавжуд. Шунингдек, мазкур ҳудудларда хонадонларда ҳам боқилади.

Жасур қуёш қораймасидан анча олисга етиб олиши кераклигини айтиб кетди. Аммо ўзидан туялари ҳақидаги қизиқ ва илиқ таассуротларни қолдирди.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

## Оламда нима гап?

## СУНЪИЙ ОШҚОЗОН ЯРАТИЛДИ

**Олимлар биринчи марта лаборатория шароитида инсон ошқозонини плюрипотент ҳужайралари (хоҳлаган турдаги ҳужайрага айлана оладиган ҳужайра тури) ёрдамида ўстирди.**



Ушбу уч ўлчамли "мини-ошқозон" дори-дармонлар таъсири ҳамда касаллик қўзғатувчи организмларни ўрганишда қўлланилади.

Биологлар 2 йил мобайнида эмбрион организмида ошқозон ривожланишининг асосий босқичларини аниқлади. Уларни Петри идишига қўйиб, ўзак ҳужайраларни ошқозон ҳужайраларига айлантирди. Бир ойда диаметри 3 миллиметрни ташкил этган, турли хилдаги моддалардан иборат бўлган уч ўлчамли органоидларни чиқаришга муваффақ бўлдилар.

Сўнгра тадқиқотчилар "ошқозон"ни гастрит, ошқозон ҳамда ўн икки бармоқли ичак ярасини келтириб чиқарувчи "Ҳелисобактер пйлори" бактерияси билан зарарлади. Бир кун ичида микроб ошқозон бўйлаб тарқалиб, "с-Мет" саратон генини келтириб чиқарди.

Бундан ташқари, олимлар бу органоидларни диабет ва бошқа касалликларни ўрганишда ҳам қўлламоқчи. Бундай тадқиқотларни ҳайвонларда ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки ҳайвон ва одам ошқозони тузилиши бир-биридан тубдан фарқ қилади.

## ДЎСТИНГ УЧУН КИТОБ ЁЗ

**8 ёшли бола дўстига ёрдам бериш учун китоб ёзиб, бир миллион доллар йиғди.**




АҚШда яшовчи 8 ёшли болакай Дилан Сигел ана шундай йўл тутди. Унинг дўсти Жон "Гирке" хасталигидан азоб чекаётган эди. Гирке касаллиги ирсий жигар хасталиги бўлиб, ҳужайраларнинг глюкозани синтез қилишда қатнашадиган ферментни ишлаб чиқаришга қодир бўлмаслиги билан тавсифланади.

Дўстига ёрдам бермоқчи бўлган Дилан "Шоколад" (Chocolate Bar) деб аталадиган ранг-баранг расмлардан иборат 12 саҳифали асар ёзди. Ёш муаллифнинг китоби босилиб чиққач, харидоргир бўлиб кетди. Айни пайтгача Дилан бир миллион долларга яқин маблағ йиғди.

Китоб сотувидан тушган маблағ Диланнинг энг яқин дўсти, саккиз ёшли Жонни даволашга сарфланмоқда.

## ЖУНГЛИДА ЯНГИ ҲАШАРОТ ТОПИЛДИ

**Гарвард университети олимлари Жунглидаги Суринам ўрмонидан ноёб ва гўзал ҳашарот топишди.**



Шу кунгача фанга маълум бўлмаган олти оёқли ушбу ҳашаротнинг катталиги 7 миллиметрни ташкил этади. Унинг орқа қисмида эса супургисифат кумушранг думи бор.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Наманган вилояти

КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР

# ЕР ҲАЙДАСАНГ, зўр ҳайда...



**Наманган туманидаги "Олимжон Тожибоев" фермер хўжалиги даласида кузги шудгорни сифатли ўтказишга бағишланган кўргазмали семинар ташкил этилди. Унда қишлоқ ва сув хўжалик бўлимлари, шудгорлаш отрядлари раҳбарлари, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар мутасаддилари иштирок этишди.**

– Жорий йилда вилоятимиз бўйича 83200 гектар майдонда кузги шудгорлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган, – дейди вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ўктамжон Эргашев. – Айни кунларда 455 та ҳайдов трактори кузги шудгорлаш ишларига жалб этилган бўлиб, улардан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари белгилаб олинган. Кузги шудгорлашда қатнашаётган барча механизаторларга қулай иш шароити яратилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда махсус кийим-кечаклар берилди.

Бободеҳқонлар "Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда", деб бежизга айтмаган. Туманда агротехник тадбирларни қишли-қировли кунларга қолдирмаслик учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда.

Кўргазмали семинарда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Ш.Тешаев, вилоят ҳокими Б.Юсупов иштирок этди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Навоий вилояти

*Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида қўлга киритилаётган ва халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётган улкан ютуқлар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соҳада амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самарасидир.*

# ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ – ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

Фермерлик ҳаракатининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, яратилаётган имтиёз ва имкониятлар туфайли фермерлар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, бандликни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг асосий таянчига айланиб бормоқда. Бугунги фермер нафақат пахта ё ғалла етиштирмоқда, балки маҳсулотни қайта ишлаш, қадоқлаш, экспорт қилиш ҳамда аҳолига сервис хизмати кўрсатиш борасида ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан қишлоққа саноат жадал кириб бормоқда, янги-янги иш ўринлари яратилмоқда.

– Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, турли имтиёз ва преференциялар берилаётгани биз, фермерларни янги изланишлар сари руҳлантириб, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш, мавжудларини кенгайтириш, маҳсулот сифатини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратишга ундамоқда, – дейди Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги "Аслон бобо" фермер хўжалиги раҳбари Ҳасан Рустамов.

Дастлаб ўн гектар ерда деҳқончилик қилган хўжалик аъзолари айни пайтда 130 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирмоқда. Тегишли тартибда ажратилган яйловда 250 бош қўй, 30 бош қорамол парваришланмоқда. Жорий мавсумда ғалла ва пахтадан юқори ҳосил олинди. Олтмиш тонна дон хўжалик омборида қолди.

Хўжаликда ташкил этилган узумзор ва боғдан ҳам мўл ҳосил олинмоқда. Мева-сабзавотлар мактабгача таълим муассасаларига етказиб берилмоқда. Хўжаликда балиқ етиштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир.

**Н.РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

○ Реклама ва эълонлар

**SOTILADI:**

**QOG'OZ**

OFSET 55,70. 80 gr.
ETIKETKALAR uchun (UPM Finlyandiya) 80 gr.
MELOVANNAYA 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 gr.
QADOQLASH UCHUN (KRAFT) 60, 70, 80 gr.
QOG'OZ QOPCHALAR UCHUN (KRAFT) 60,70 gr.

**Shuningdek, QALIN QOG'OZ**

SYELLYULOZA 210, 230, 250, 270, 300 gr.
DYUPLYEKS 250, 300, 350 gr.

«ABSOLYUTE BUSINESS TRADE» XK xizmat ko'rsatadi
Mahsulotlar sertifikatlangan
Xizmatlar litsenziyalangan

**ПРОДАЁТСЯ:**

**БУМАГА**

ОФСЕТНАЯ 55, 70, 80 гр.
ЭТИКЕТОЧНАЯ (UPM Финляндия) 80 гр.
МЕЛОВАННАЯ 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 гр.
УПАКОВОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70, 80 гр.
МЕШОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70 гр.

**А также, КАРТОН**

ЦЕЛЛЮЛОЗА 210, 230, 250, 270, 300 гр.
ДЮПЛЕКС 250, 300, 350 гр.

Услуги оказывает: ЧП «ABSOLYUTE BUSINESS TRADE»
Товары сертифицированы
Услуги лицензированы

**+99895 194-00-14, +99898 362-91-11**

**«VIP REAL ESTATE» МЧЖ РИЭЛТОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!**

"MAXAMADJON FOZILOV NUR" МЧЖ шаклидаги агрофирма билан ҳамкорликда 2014 йил 9 декабрь куни соат 12:30 да мулкнинг бошланғич баҳосини босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани Тошкент ҳалқа йўли ёқасида "Тоштўқай" коллектори ҳамда автомобилларга ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари сотиш шохобчаси оралиғида жойлашган дарахтзордаги 1,05 га ер майдонида экилган 174 дона терак ва 37 дона олма дарахтлари қўйилмоқда. Дарахтларнинг бошланғич баҳоси – 15 800 000 сўм.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳар А.Темур 1-тор кўчаси 6-уйда жойлашган Савдо ташкилотчисининг савдолар залида ўтказилади. Дарахтлар сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2014 йил 12 декабрь куни соат 12:30 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида Сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши лозим. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12:30 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўловни Савдо ташкилотчисининг ХОАТБ «InfinBANK» Шайхонтоҳур филиалидаги (х/р: 20208000600250595001, МФО: 01041, ИНН: 302681189) ҳисоб-рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: Аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар вакolatли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Манзил:** Тошкент шаҳар А.Темур 1-тор кўчаси 6-уй.
**Телефон:** (+99895)143-01-43, (+99890) 712-27-85.
***Лицензия № RR 0173***

**"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖ ТОМОНИДАН 2014 ЙИЛ 19 СЕНТЯБРДАН 29 ОКТЯБРГАЧА ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИДА СОТИЛГАН МУЛКЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**

"Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi" АЖга қарашли 1995 й и/ч ГАЗ-66 р-ли д/р 01/952WBA бўлган а/м, б/б 5 200 000 сўм – с/б 6 000 000 сўм ва ДАТ «Асака» банки Тошкент шаҳар филиалига қарашли 2000 й и/ч ГАЗ-322132 р-ли д/р 01/326ВАА а/м, б/б 5 000 000 сўм – с/б 5 150 000 сўм ҳамда ГАЗ-322132 р-ли д/р 01/328ВАА а/м б/б 4 700 000 сўм – с/б 4 841 000 сўмга сотилганлигини билдирамиз.

**Қўшимча маълумот олиш манзили:**
Тошкент шаҳри А.Темур 1-тор кўчаси 6-уй.
**Тел:** (+99895) 177-96-74.
***Гувоҳнома № 005148***

ООО "ABN NET SYSTEM" (ИНН 301347129) Бектемирского р-на сообщает о своей реорганизации в форме выделения из его состава нового ООО "BASIS OIL". В результате реорганизации Уставной фонд ООО "ABN NET SYSTEM" уменьшается с 1 833 876 750,61 сум до 68 010 000 сум. Тел.: 292-94-55.













Мирободенгил саноат касб-ҳунар коллежи томонидан 2013 й.да Abdumannopov Shayaxmed Jamshit o'g'li номига берилган К № 3170315 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Норбўтаев Иброҳим Баҳриддинович номига Тошкент вилояти Молия бошқармаси томонидан берилган гувоҳнома ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "FIDELITY INVESTMENT" (ИНН 301022651) сообщает (решение от 22.10.2014 г.) об уменьшении уставного фонда в размере 394 729 000 сум на сумму в размере 300 000 000 сум, а именно до 94 729 000 сум.

Утерянный аттестат АУ № 308646 выданный в 1993 г. школой № 121 М.Улугбекского р-на г. Ташкента на имя Целовальниковой Виктории Александровны, считать недействительным.

Қорақалпоғистон Республикаси

▼ САЛОМАТЛИК ЖОНКУЯРЛАРИ

# ФАРЗАНД ОИЛА ҚУВОНЧИ, ЮРТ ТАЯНЧИ

***Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, даволаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бу эса аҳолининг репродуктив саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, айниқса, ёшлар ўртасида тиббий маданиятни янада юксалтириш имконини бермоқда. Мустақиллик йилларида барча даволаш масканлари бинолари янгидан қурилди ва таъмирланди. Туман ва шаҳар марказларида тиббиёт бирлашмалари ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари "Саломатлик-1", "Саломатлик-2" лойиҳалари доирасида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Натижада беморларга ташхис қўйиш ва даволаш шу ернинг ўзида амалга оширилмоқда.***




*Шифокор Замира Узақбаева (чапда) ва Орзигул Сугурниязовалар ёш она Гулназ Алламбергеновага фарзанд тарбиясида соғлом турмуш аҳамияти ҳақида тавсиялар бермоқда.*

Албатта, замонавий тиббиёт масканларида ўз касбининг фидойилари талайгина. Улар соҳада эришилган ютуқлардан руҳланиб, ўз ишига янаям масъулият билан ёндашмоқда. Шулардан бири олий тоифали шифокор Замира Узақбаевадир. У 1990 йили Ўрта Осиё педиатрия тиббиёт институтини муваффақиятли тамомлагач, фаолиятини Нукус шаҳридаги Республика болалар шифохонасида бошлади. Сўнгра Шуманай тумани поликлиникасида ҳудудий педиатр, 2008 йилдан буён эса туман тиббиёт бирлашмасида бош педиатр лавозимида ишлаб келмоқда.

– Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар ўртасида турли касалликларнинг олдини олиш, уларни вақтида тиббий кўрикдан ўтказиш педиатр шифокорлари олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади, – дейди Замира Узақбаева. – Туманда 14 ёшгача жами 13588 нафар бола бўлиб, бугунгача уларнинг барчаси тиббий кўрикдан ўтказилди. Таълим муассасалари билан ҳамкорликда тумандаги барча қишлоқ врачлик пунктларида 6 ёшдаги болаларни чуқурлаштирилган кўрикдан ўтказиш ташкил этилди. Текширув мобайнида касаллик аниқланган 674 нафар бола туман ҳудудидаги даволаш муассасаларида, 8 нафари эса Нукус шаҳридаги Республика болалар шифохонасида соғломлаштирилди. Болалар ва туғуруқ ёшидаги оналар ўртасида касалликнинг олдини олиш мақсадида "Саломатлик ҳафталиги" мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги "ЮНИСЕФ" халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда "Қорақалпоғистон Республикасида 6-24 ойлик болаларнинг овқатланишини яхшилаш ва уй шароитидаги фортификация" лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбирлар давомида чекка қишлоқларда яшаётган 125 нафар чақалоқнинг соғлиғи яхшиланди.

Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 2009 йил 1 июлдаги "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғулиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни voяга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорлари, шунингдек, "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатишни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, боланинг соғлом туғилиши ва уни кўкрак сути билан боқишни тарғиб қилиш, бехатар имунизация, А витамини тақчиллигининг олдини олиш, 5 ёшгача бўлган болаларнинг ўсиб ривожланишини мониторинг қилиш каби тадбирлар ижобий самарасини бермоқда. Шунинг натижасида сўнгги уч йил давомида болалар ўртасида ногиронлик ва ўлимнинг камайишига эришилди. Албатта, бундай ютуққа эришишда туман тиббиёт бирлашмасининг бош педиатри Замира Узақбаеванинг ҳам ҳиссаси бор.

– Бир неча йиллардан буён Замира билан бирга ишлаб келяпман, – дейди ҳамкасбларидан бири, олий тоифали шифокор Орзигул Сугурниязова. – Уни болалар саломатлигининг ҳақиқий жонкуяри, десам муболаға бўлмайди. Бемор ва уларнинг ота-оналари билан тез-тез учрашиб, касалликнинг олдини олиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, тозалик ва озодалик борасида давра суҳбатларини мунтазам равишда ўтказиб туради. Талабчанлиги, ташкилотчилик қобилияти ва касбига бўлган фидойилиги туфайли жамоамиз орасида ҳурмати баланд.

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни voяга етказиш, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун мустақилигимизнинг 23 йиллик байрами арафасида Замира Узақбаева "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими" фахрий унвони билан тақдирланди.

– Туман тиббиёт бирлашмамиз Давлат дастурига мувофиқ 2012 йилда реконструкция қилинди, – дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Замира Узақбаева. – "Саломатлик-1", "Саломатлик-2" лойиҳалари бўйича электрокардиограф, автоклав, қуруқ ҳаво билан жиҳозларни стерилизация қилиш, офтальмоскоп, гастрофиброскоп, ультра товуш, дефибриллятор, "Саломатлик-3" лойиҳаси бўйича олиб келинган флюрография, рентген ускунаси, кардиомонитор ва бошқа қатор замонавий тиббий жиҳозлар аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш имконини бермоқда. Шунингдек, соҳани малакали мутахассислар билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Авваллари туманимизда шифокорлар, шу жумладан, педиатрлар тақчил эди. Сўнгги йилларда сафимиз Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиалини тугатган ёшлар билан тўлмоқда.

Сирасина айтганда, Юртбошимизнинг "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлур" деган ибораси ҳаётимизда ўз аксини топмоқда. Чунки фарзанд оила қувончи, юртимиз таянчи. Соғлом ва баркамол авлод эса бизнинг келажагимиз.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**




## Чет тилларини ўргатишнинг инновацион йўналишлари

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ташаббуси билан "Чет тилларини ўқитишни жадаллаштиришнинг инновацион йўналишлари" мавзуида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.*

Тадбирда иштирокчилар Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан олиб борилаётган ва қилиниши лозим бўлган ишлар юзасидан фикр алмашишди.

Таъкидланганидек, мазкур қарор асосида ўтган ўқув йилидан бошлаб барча умумтаълим мактабларининг 1-синфларидан чет тили дарсларини ўтиш тўлиқ қамраб олинди.

Бугунги кунда умумтаълим мактабларида 26344 нафар чет тили ўқитувчилари фаолият юритмоқда. Уларнинг 77,3 фоизи инглиз тили, 13,3 фоизи немис тили, 8,9 фоизи француз тили ва 0,5 фоизи бошқа хорижий тиллардан дарс берувчи ўқитувчилардир.

Апрель-июль ойларида малака ошириш институтларида 18 мингга яқин чет тили ўқитувчилари ўқитилди. Шунингдек, чет тили таълими сифатини баҳолаб бориш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент, Наманган вилоятларининг ҳар бирида 2 тадан, жами 10 та мактабда доимий мониторинг олиб бориш белгилаб олинди.

Конференцияда педагогик ва ахборот технологиялари асосида чет тилларини ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, замонавий таълим шароитида чет тили ўқитувчиларини тайёрлаш, инглиз тили ва бошқа хорижий тилларни ўқитишда коммуникатив-инновацион технологиялардан унумли фойдаланишга қаратилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Наргиза ҲУСАНОВА**

Бухоро Вилояти

*Мамлакатимизда сайёҳлар катта қизиқиш билан ташриф буюрадиган бетакрор гўзал табиат, яъни ландшафт, ноёб ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳамда табиий, тарихий ёдгорлик манзиллари жуда кўп. Хусусан, кейинги йилларда табиий ҳудудлар бўйлаб ташкил этилаётган сайёҳлик йўналишлари ҳам ортиб боряпти.*

## «ЖАЙРОН»ДА ЭНДИ ҚОПЛОН ҲАМ БЎЛАДИ

Бухоро вилоятидаги камёб ҳайвонларни парваришлаш ва муҳофаза қилиш ҳамда уларни кўпайтиришга ихтисослашган "Жайрон" экомаркази ана шундай манзиллардан бири ҳисобланади. Айни пайтда экомарказда экотуризмни ривожлантириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

– Сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида учта назорат минораси, ўн кишилик меҳмонхона, овқатланиш хонаси ва бошқа хизмат турлари ташкил этилди, – дейди "Жайрон" экомаркази раҳбари Ортиқ Музаффаров. – Тўртта шийпон-майдонча қурилиб, ишга туширилди. Шунингдек, 413 миллион сўм маблағ эвазига туристлар учун мўлжалланган ташриф биносини қуриш ишлари якунланмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида бу ерга икки юз нафарга яқин хорижлик сайёҳ ва тўрт минг нафар талаба ҳамда ўқувчилар келиб, марказ фаолияти билан танишди. Экомарказда табиий биохилма-хилликни ошириш мақсадида ҳам бир қатор ишлар олиб боріляпти. Жумладан, келгусида қоплонларни сақлашга мўлжалланган мажмуа барпо этиш режалаштирилмоқда.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

▼ БОЛАЛАР СПОРТИ

# "НАСАФ"НИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Қарши шаҳрида «Насаф» футбол клуби ўринбосарларининг «Меҳнатчи» ўқув-машғулот базаси фаолият бошлади.




Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Унинг очилишида Ўзбекистон футбол федерацияси ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри, вилоятлар футбол федерациялари, профессионал футбол клублар қошидаги футбол мактаблари раҳбарлари ва футбол фидойилари иштирок этди.

Тадбир аввалида иштирокчилар "Насаф" футбол клуби ва мактаби фаолиятига бағишланган семинарда қатнашдилар. Унда сўз олганлар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар хусусида гапирдилар. Шундан сўнг "Насаф" клуби ва футбол мактабида яратилган шарт-шароитлар ҳақида видеоролик намойиш қилинди.

Ушбу клуб тарбияланувчилари мамлакат ва халқаро миқёсда ўтказилаётган турнирларда ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олиб келмоқда. Ўтган йили мазкур мактабнинг 2000 йилда туғилган болалардан таркиб топган жамоаси Украинада ўтказилган халқаро турнирда бош совринни қўлга киритгани бунга мисолдир.

– Қаршида бундай ажойиб футбол базасини кўраман деб ўйламаган эдим, – дейди "Пахтакор" футбол мактаби директори Дилшод Нуралиев. – Айниқса, янги базадаги шароитлар менда катта таассурот қолдирди. Европа ва Осиёдаги бир неча давлатларнинг футбол жамоалари базаларини кўрганман. "Насаф"даги шарт-шароитлар ҳам улардан қолишмайди.

Тадбир давомида иштирокчилар ёш футболчиларнинг тўп билан муомала қилиш маҳоратларига гувоҳ бўлишди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, янги ўқув йилидан бошлаб илк марта биринчи синф ўқувчилари "Насаф" футбол мактабига қабул қилинди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

## Ёш авлод камолотида ОАВнинг ўрни

*Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда "Камолот" ЁИҲ ҳамкорлигида "Болалар оммавий ахборот воситалари фаолияти: ютуқлар, муаммо ва ечимлар" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.*

"Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида ўтказилган анжуманда таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда бевосита болалар ва ўсмирларга йўналтирилган 80 га яқин нашрлар мавжуд. Миллий телерадиокомпания таркибидаги "Ёшлар" телерадиоканали, унинг қошида фаолият олиб бораётган "Болажон" телеканали, шунингдек, бошқа каналлардаги болалар учун мўлжалланган кўрсатув ва эшиттиришлар муҳарририятлари жисмонан соғлом, маънан етук, турли хил ёт қарашларга қарши фикр билдира оладиган келажак авлод тарбияси йўлида амалга ошириб келинаётган ишларни кенг ёритиб келмоқда.

Давра суҳбати давомида ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ҳамда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, улар онгига бузғунчи ахборотлар сингдирилишига қарши чора-тадбирларда ОАВ нинг фаоллигини ошириш, болалар учун мўлжалланган нашрларни ривожлантириш масалалари борасида фикрлар билдирилди.

Хусусан, болалар нашрлари ва телерадиоканалларда "Соғлом бола йили" Давлат дастуридан ўрин олган оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилада соғлом муҳитни қарор топтириш, болани соғлом voяга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрнини мустаҳкамлаш, тиббиёт масканларининг моддий-техник базасини бойитиш, малакали кадрлар ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, оилада тиббий маданиятни ошириш, бошланғич таълим, болалар спортини янада ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича белгиланган тадбирларнинг ёритиб борилиши каби талаблар ҳам улар олдидаги муҳим вазифа эканлиги айтиб ўтилди.

**Сухроб ЗИЁДУЛЛАЕВ**

## Бокудан диплом билан

*Гулистон шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Билолиддин Нарзуллаев яқинда Боку шаҳрида бўлиб ўтган "Муғом" халқаро фестивалида махсус диплом билан тақдирланди.*

12 ёшли Билолиддин ушбу танловда "Ҳануз", "Соқинамои сафти калом" каби мумтоз ашулалар билан иштирок этди.

– Мазкур фестиваль ҳаётимда ўчмас из қолдирди, – дейди Билолиддин. – Мен ўзбек халқ қўшиқлари ва мақомларини шундай катта саҳнада куйлаганимдан бахтиёрман.

Билолиддин Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан ўтказилган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг республика босқичида учинчи, республика ёш ижрочилар кўрик-танловида эса фахрли биринчи ўринни эгаллаган эди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

○ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

АГРОТЕХНИКА

~ Беларус 80Х ~ Беларус 82.1 ~ Беларус 1025
~ Боғ ва ферма учун тракторлар
~ Гусеницали тракторлар
~ Пресcподборшик
~ Ғўзапоя ўрадиган комбайн
~ Ўт ўрадиган комбайн
~ Макка ўрадиган комбайн
~ Жўхори йиғувчи комбайн
~ Косилка КИР 1,5
~ Сомон йиғувчи мосламалар
~ Картошка терадиган комбайн
~ Картошка экадиган комбайн
~ Буғдой экадиган сеялка
~ Пахта экадиган сеялка
~ Дори сепадиган мосламалар
~ Сачратиб суғорувчи мосламалар
~ Ем майдалаб тарқатувчи техника
~ Культиваторлар
~ Плуг, айланма плуг, дискали плуг
~ Чизель, борона
~ Экскаватор погрузчик, бульдозер
~ Траншеекопатель, ямобур




(+99871) 150-58-58
150-68-68
Сайт: www.sninvest.uz
E-mail: info@sninvest.uz
SN INVEST Маҳсулот сертификатланган
Буюртма асосида

ШОШИЛИНГ, АРЗОН НАРХЛАРДА!
ТЕХНОПАРК
Тошкентдаги омборхонадан турли хилдаги янги қишлоқ хўжалиги техникаларини таклиф этамиз:

1. Экскаватор-погрузчиклар ЭП-25 (МТЗ 82.1)
2. Фронтал погрузчиклар П-11 (МТЗ 1221)
3. Пресс-подборшиклар (PVP-351 Claas лицензияси асосида)
4. Тракторлар (МТЗ Беларус)
5. Омочлар
6. Картошка экиш сеялкаси ва картошка ковлаш агрегати
7. Бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари



Тўловлар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
Лизинг хизматлари мавжуд.

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Халқаро Бизнес Маркази 3-қават.
Мурожаат учун телефонлар: (+99893) 550-40-22, (+99894) 666-67-10, (+99890) 990-78-80.
Омборимиз манзили: Тошкент шаҳри Бектемир тумани ТҲАЙ Янгиобод бозори яқинида (Promzona.uz).
Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Тошкент ш. М.Улуғбек т. ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан (25.05.2010 й., реестр № 004624-03) "LART DE LA CUISINE" МЧЖ номига берилган № 004624 сонли Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги Гувоҳномаси ва устави йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎИда (24.07.2013 й., реестр № 006785-05) рўйхатга олинган "DIRECT WAY" МЧЖнинг Устав фонди 40 000 000 сўмдан 6 000 000 сўмга камайиши муносабати билан даъволар 588-81-87 тел. орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. Миробод т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "SMART TECH TASHKENT" Хорижий сармояси иштирокидаги МЧЖ устав фонди 20 000 000 сўмдан 7 500 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади. Тел.: (90) 909-00-19.

СП ООО "ROYAL PLAST AND TEXTILE GROUP" сообщает об уменьшении Уставного фонда с 1 400 000 долларов США до 200 120 долларов США. Претензии принимаются в течение 1 месяца с момента выхода настоящего объявления по адресу: г. Ташкент ул. Бунёдкор-Мукими, 15.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шухрат ТЕШАЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Баҳодир ХОЛИҚОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99890) 310-06-99; Навоий – (+99891) 332-00-88; Наманган – (+99890) 278-95-87; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99893) 994-57-08; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: Р.СУЯРОВ
Мусаҳҳиҳ: Ҳ.АБДУҒАНИЕВ
Дизайнер: Ф.ТОИРОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-1119, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 00.25 15955 нусхада босилди. Нашр индекси — 144 | Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | E-mail: info@qishloqhayoti.uz | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. | 1 2 3 4 5